

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**399** Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёж-  
лари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиш-  
тириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредит-  
лаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар  
киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил  
18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1675-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марка-  
зий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунла-  
ри ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 де-  
кабрдаги 372-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорла-  
рига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган  
деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзпах-  
тасаноатэкспорт» холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида» 2015 йил  
27 октябрдаги ПФ-4761-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Прези-  
дентининг «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси фаолиятини ташкил  
этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 октябрдаги ПҚ-2422-сон  
қарори)»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги  
ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бош-  
қарувининг 2007 йил 13 мартдаги 30, 288-В-сон қарори (рўйхат рақами 1675,

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.*

2007 йил 14 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 16-сон, 168-модда) билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 15 август,  
62-сон

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 15 август,  
288-В-4-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Марказий банки  
Бошқарувининг 2016 йил 15 августдаги  
62 ва 288-В-4-сон қарорига  
ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3-банднинг учинчи хатбошисидаги «1 апрелига қадар пахта хом-ашёси қийматининг 25 фоизигача» деган сўзлар «1 майга қадар пахта хом ашёси қийматининг 30 фоизигача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 4-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси» деган сўзлар «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 5-банднинг бешинчи хатбошисидаги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси» деган сўзлар «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 6-банднинг учинчи хатбошиси «уруғлик материал» деган сўзлардан кейин «ҳамда СИУ хизматлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5. 13-бандда:

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Шу билан бирга, пахта ва ғалла ҳосилини етиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналарининг 13301-сонли ва 14301-сонли ҳисобварақларидан тўловлар, топшириқ шартномаси асосида мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган мақсадлар учун мемориал ордерга асосан амалга оширилади.»;

6. 14-банднинг «г» кичик бандидаги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси» деган сўзлар «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан келишилган.

*Қишлоқ ва сув  
хўжалиги вазири*

**Ш. ТЕШАЕВ**

*2016 йил 15 август*

*Ўзбекистон Фермерлари  
кенгаши раиси*

**С. ТУРДИЕВ**

*2016 йил 15 август*